# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2003 YIL 3 IYUN, SESHANBA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№71 (6.596). Sotuvda erkin narxda



## БУГУНГИ СОНДА

РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР... (1-2-саҳифаларда)



МАШИНА МУБОРАК! (3 саҳифада)

ХУРОФОТГА АЙЛАНМАСИН (1-4-саҳифаларда)


# ХАЙРЛИ НИЯТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

***29 май куни бўлган Москва учрашувининг умумий натижаси -ШҲТни халқаро ташкилот сифатида шакллантириш жараёни ниҳоясига етди. Президентлар ташкилот органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни, эмблема ва байроғини тасдиқлади. Ташкилот органлари фаолиятига доир молиявий масалаларга аниқлик киритилди.***

Ислом Каримов Москвага жўнаб кетиш олдидан журналистларга берган интервьюсида, Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзоликдан кўзлаган мақсадлари, манфаатлари, ушбу ташкилот тақдирига муносабатини атрофлича шарҳлаган эди. Мамлакатимиз манфаатлари хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади. Бу хусусда ШҲТ аъзоларининг қарашлари фарқ қилмайди.

Лекин Ислом Каримовнинг фикрича, ШҲТнинг ривожланиши учун фақат шу масалаларга эътибор қаратиш билан чекланиб бўлмайди. Ташкилотни сиёсий турли ўйинлардан, бошқа давлатларга қарши қаратишга уринишлардан, ҳар хил гуруҳбозликлардан сақлаш керак. Ҳамкорлик очиқлик ва тенглик тамойиллари, аъзо мамлакатлар ва уларда яшовчи халқлар манфаати асосида қурилиши керак. Акс ҳолда, келишмовчиликлар юзага келиб, фақат саммитларда баландпарвоз гаплар айтиладиган, аксарияти қоғозда қолиб кетадиган ҳужжатлар имзоланадиган ташкилотга айланиб қолиши мумкин.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-31 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Москва, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Санкт-Петербург саммитларида ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллик юбилейига бағишланган тантаналарда иштирок этди.**

ШҲТнинг Москва саммити ташкилотнинг шаклланиш жараёнига нуқта қўйибгина қолмай, унинг аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган тузилма эканига тасдиқ ҳам бўлди. Шу маънода, Президентимиз Тошкентга қайтиш чоғида журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, Москва саммити натижалари Ўзбекистоннинг мақсад ва манфаатлари доирасидан четга чиқмади. Ислом Каримов бу таъкидни журналистларга ҳали маълум бўлмаган бир неча янгилик билан изоҳлади.

Аввало, шуни қайд этиш лозимки, ШҲТнинг навбатдаги саммитига қайси мамлакат мезбонлик қилиши масаласи муҳокамаси чоғида Президентлар Ўзбекистон пойтахтини танлади. Ислом Каримовнинг билдиришича, Ўзбекистон томони масала бу тарзда ҳал этилишини кутмаган экан. Аммо, сиёсатда тасодиф бўлмайди. Мантиқан олганда, бу ечимнинг аниқ сабаблари йўқ эмасди. Гап шундаки, саммит мезбони ташкилотга раислик ҳуқуқини қўлга киритади. Бундай ҳуқуқ эса, ҳақли равишда ўзининг одил, қатъий ва мустақил сиёсатига эга бўлган, бошқа давлатларнинг таъсир доирасига тушмайдиган ва тазйиқидан чўчимайдиган мамлакатга берилади. Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик ва интеграция борасидаги саъй-ҳаракатлари, ташқи сиёсатдаги изчиллиги саммит қатнашчиларини мамлакатимизга шундай масъулиятли вазифани топширишга ундаган бўлса, ажаб эмас. Ушбу масъулият Ўзбекистонга берилган муносиб баҳо, мамлакатимиз нуфузининг яна бир эътирофи ҳамдир.

ШҲТ саммитида ташкилотнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси (марказ) қароргоҳи Бишкекда бўлиши ҳақида гап борганди. Ҳатто матбуотда ҳам ёзилди. Лекин кейинчалик бу фикр ўзгарди. Марказ қароргоҳини Тошкентга кўчириш борасида келишиб олинди. Албатта, бу қарор негизида ҳам Ўзбекистонга хориждан ташланган нигоҳлар ва берилган баҳоларнинг ўз ўрни бор, мамлакатимизнинг терроризмликка қарши курашдаги амалий саъй-ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг ҳиссаси катта, десак, хато қилмаган бўламиз. Ҳеч бир мамлакатни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, аксилтеррор марказ фаолияти Тошкентдан бошқариб борилса, бу энг маъқул йўл бўлади. Ўзбекистон томони бу фикрнинг эътироф этилиши учун баёнотлар эълон қилгани йўқ, мамлакатимизнинг ҳатти-ҳаракатлари очиқ-ойдин кўриниб тургани учун эътибор ва эътироф табиий равишда ўз-ўзидан вужудга келди.

Шу маънода, ШҲТнинг Москва саммити муваффақиятли кечди, дейиш учун барча асослар етарли. Ташкилот ўз фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини қуриб бўлди ва улар барча аъзоларнинг манфаатларига бирдек хизмат қилишга йўналтирилганининг тасдиғини топди.

Президент Ислом Каримов ўзининг Москвада Хитой раҳбари Ху Цзинтао билан бўлган учрашувига ҳам юқори баҳо берди. Яқинда ХХР раиси лавозимини эгаллаган бу шахс ўзининг биринчи хорижий сафарини ШҲТ саммитидан бошлагани муҳим воқеа, албатта. Чунки дунё аҳли қудратли давлатлардан бўлмиш Хитойдаги воқеаларни диққат билан кузатиб боради.

Ислом Каримовнинг Ху Цзинтао билан учрашуви Хитой матбуотида жуда кенг ёритилди. Бунга асосий сабаблардан бири эса Хитой раҳбарининг учрашувдаги сўзлари бўлди. Х.Цзинтао дунёдаги вазият қай йўсинда ривожланмасин, Пекин Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш, айниқса, сармоя ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини доим эътиборда тутишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари учрашувига журналистларнинг катта қизиқиш билдириши Х.Цзинтаонинг фикрларига жамоатчилик томонидан билдирилган бир тасдиқ бўлди.

ШҲТ саммитидан кейин Президент Ислом Каримов шу кунларда 300 йиллик тўйини нишонлаётган Санкт-Петербургга йўл олди. Бу ерда МДҲ Президентларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳамдўстлик саммити доим қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтади. Президентлар байрам кайфиятида эканлигига қарамай, бу сафар ҳам мулоқот шундай руҳда ўтди. Кун тартибидаги асосий масала - Эркин савдо зонаси. Бу ҳақдаги ҳужжат имзоланганига ўн йил бўляпти. Лекин у ҳали ҳам ҳаётда ўз аксини топгани йўқ. Чунки, Президент Ислом Каримов таъкидлаб келаётганидек, МДҲда ташаббус кўп, таклифларнинг адоғи кўринмайди. Шу сабаб ҳам Ҳамдўстлик доирасида турли тузилмалар вужудга келяпти, бир-бирининг ўрнига қайтадан тузиляпти.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши раиси, Украина Президенти Леонид Кучманинг билдиришича, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида эркин савдо зонаси бўйича олтмишдан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланган, бу улкан ҳудудда яна шунча эркин бозор сегментлари мавжуд.

Бу маълумотни келтиришдан мақсад ҳали-ҳамон МДҲнинг айрим аъзолари тор доирада иш юритаётганини таъкидламоқдир. Барча мамлакатлар қонун ҳужжатларини мувофиқлаштирмас, чегара, божхона, солиқ масалаларини биргаликда ечмас экан, ягона бозор тузиб бўлмайди. Майда бозорлар ташкил этиш ҳақида турли баёнотлар эълон қилиниб, ишламайдиган ҳужжатлар тузилиши МДҲдаги муносабатлар тизимига раҳна солади. Бошқача айтганда, ҳамма шу йўсинда ташаббускорликка берилиб кетса, МДҲнинг эртаси ҳақида ижобий фикр айтиш даргумон бўлиб қолади.

Шу йилнинг февралида МДҲнинг тўрт аъзоси ягона иқтисодий минтақа тузишга келишиб олди. Унгача божхона иттифоқи ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳам тузилган эди. Ўзбекистон бу ҳаракатларнинг бирортасини ҳам маъқулламади. Чунки МДҲни тузишдан кўзланган бош мақсаднинг ўзи турли соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолиб, уларни янгича шаклда ривожлантиришдан иборат эди. Ҳамдўстлик даражасида эришилмаган натижага эса, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракат қилинганда ҳам эришиб бўлмаслиги тайин.

Шу боис Ҳамдўстликнинг аввалги саммитида Эркин савдо зонаси масаласи жиддий муҳокама қилинганди. Санкт-Петербургда яна бош мавзуга айланди. Сентябрда бўлажак Ялта саммитида ушбу зонани ташкил қилишнинг биринчи босқичига нуқта қўйишга келишиб олинди.

Албатта, эркин савдо зонаси барпо этиш бир кунлик иш эмас. У кўп меҳнат талаб қилади. Аввало чегараларни очиш, божхонадан ўтиш тартибини мослаштириш, енгиллаштириш керак. Кейин солиқ, коммуникация масалаларини кўриб чиқиш керак. Қунт билан ишланса, босқичма-босқич барча вазифаларни уддалаш мумкин.

Ислом Каримов Ялта саммити МДҲ ҳаётида жиддий воқеа бўлишига умид билдирди. Бу ишда Россиянинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлади. Россия МДҲ аъзоларининг бошини қовуштиришда, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамият касб этишини ҳеч ким инкор этмайди. Бундан Россиянинг ўзи ҳам манфаатдор. Айни вақтда бошқа мамлакатлар ҳам амалий ҳаракатларига изчиллик бахш этиши мақсадга мувофиқдир.

Президентлар МДҲ саммитидан кейин Санкт-Петербург юбилейига бағишлаб уюштирилган бошқа тадбирларда мулоқотларни давом эттирди. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, баъзан қисқа, баъзан атрофлича суҳбат тарзида ўтган бундай мулоқотлар давомида МДҲ раҳбарлари бир тўхтамга келган. Демак, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида юз бераётган ижобий ўзгаришлар МДҲда ҳам инъикос топишига умид қилиш мумкин. Зеро, барча давлатларнинг истаги -ҳамкорликни ривожлантириш. Бу - яхши ният. Хайрли ният эса бесамар кетмайди.


**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент - Москва - Санкт-Петербург - Тошкент.


***

**СУРАТДА:** ташриф пайти.
А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги нутқи

**(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)**

Муҳтарам Раис жаноблари!

Ҳурматли давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзолари, Хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Россия Федерацияси раҳбариятига, шахсан Президент Владимир Владимирович Путинга бизга кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва ушбу анжуманнинг юқори савияда ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Ўз мамлакати номидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида илк бор иштирок этаётган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаони қутлаш ҳамда барча давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзоларига чуқур, самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур учрашув, шубҳасиз, ШҲТнинг изчил шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз, моҳиятан, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнини якунига етказмоқдамиз, биргаликдаги ҳаракат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига чиқиш учун зарур ҳуқуқий пойдеворни яратмоқдамиз.

Имзоланадиган муҳим ҳужжатларни муҳокама этиш ва тайёрлаш чоғидаги амалий, дўстона ва ҳар бир мамлакат манфаатларини инобатга олувчи руҳ ҳукмрон бўлганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ШҲТнинг Ижрочи котиби лавозимига тайинлаш учун жаноб Чжан Дэгуан номзодини қўллаб-кувватлаймиз, унга бундай масъул ишда муваффақият ва самарали ташаббускорлик тилаймиз.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Дунё халқаро терроризмлик, радикал экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган кўламлари, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуроли тарқалиши хавфига дуч келди.

Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

Яна бир гап шуки, халқаро ҳаётдаги сўнгги воқеалар ўткир низоли муаммоларни ҳал қилишнинг анъанавий, шаклланганидек туюлган ёндашув ва услублари ҳар доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмаётгани ва, лўнда қилиб айтганда, такомиллаштирилиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Ўйлайманки, сўнгги йиллар воқеаларининг мантиқий давоми, бутун дунёда вазиятнинг жадал ўзгариши, шак-шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини янада кучайтиришини исботлаб ўтириш шарт эмас.

Бу, биринчи навбатда, минтақанинг нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал-хомашё захираларига бойлиги, балки Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш тугаши билан пайдо бўлаётган янги имкониятлар билан боғлиқ.

Табиийки, бундай истиқболга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши кераклиги ва биринчи галда воқеаларнинг салбий йўналишда ривожланишининг олдини олиш, Х.Карзай раҳбарлигидаги марказий ҳукуматга умумий мақсадга эришиш -узоқ муддатли тинчлик, барқарорлик ва мамлакат тикланишини таъминлаш йўлида этник, минтақавий ва диний кучларни бирлаштириш учун амалий ёрдам кўрсатиш даркорлигини яхши тушунамиз.

Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узоқ муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли.

Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тутган ўрни беқиёс, у шаклланганисари минтақадаги таъсири, шубҳасиз, муттасил кучайиб боради.

Муҳтарам давлатлар раҳбарлари!

ШҲТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши ҳамда бугун шакллантирилаётган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.


(Давоми 2-бетда)


# ЁНҒИНДАН САҚЛАНИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Ғаллани нобудгарчиликларсиз йиғиштириб олиш шу куннинг долзарб масаласидир. Мавсум бошқа соҳа кишилари қатори ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам катта масъулият юклайди.***

**ЭҲТИЁТ - ШАРТ!**

Чунки ўтган йил баъзи кишилар олов билан ўйнашиб, ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам зиён келтиришди. 2002 йил давомида содир этилган қуйидаги бир неча ҳолатларга эътибор беринг. Ўтган йил поплик Д.Абдуллаевнинг ўғли 7 ёшлик Ш.Абдуллаев назоратсиз қолиб 0,1 гектар, жиззахлик фермер И.Васиев ғалладан бўшаган майдонларга кўра-била туриб ўт қўйишган. Янгиқўрғонлик Н.Мамажоновнинг тракторидан буғдой янчаётганда учқун чиқиб, ёнғин содир бўлади. Натижада фуқароларга тегишли бўлган жами 4917 боғ буғдой ғарамлари ёниб кетади.

21 июл куни эса Пайариқ туманидаги ал-Бухорий номли ширкат хўжалигининг ғалласи ўриб олинган майдон ёқиб юборилган. Ёнғин натижасида ушбу майдонда мол боқиб юрган Оққўрғон қишлоғида яшовчи 8 ёшли Н.Турдиев ёнаётган майдондан чиқа олмай танаси 100 фоиз куйиш оқибатида ҳалок бўлган.Умуман олганда, ўтган йили республика бўйича 200 дан ортиқ ғалласи ўрилган майдонларни ёқишга йўл қўйилган ва бунинг натижасида бир киши ҳалок бўлди. Айниқса, ёнғин масаласига Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Тошкент ва Хоразм вилоятларида етарлича эътибор берилмади.


(Давоми 2-бетда)


**ТААССУФ**

# ШАХСИЙ ҲОВЛИДАГИ... ВАКИЛЛИК

***Халқимизда мақтанганнинг уйига бор, деган гап бор. Фарғона тумани ҳокими Ортиқали Мадумаров билан суҳбатлашиб ўтирарканмиз, гап мавзуи фермерлар фаолиятига бориб тақалдию, ҳоким бува:***

-Бизда, айниқса, фермерчиликка эътибор яхши, фермерларга ҳамма шароитини қилиб берганмиз, - деб қолдилар.

-Фермерлар ҳам шунга муносиб жавоб қайтаришяптими? – сўрадик, - туман етиштирадиган пахта, ғалланинг неча фоизи улар ҳиссасига тўғри келади?

-Беш фоизи...

-Оз эмасми?


(Давоми 2-бетда)


# МУШКУЛ ПАЙТДА СУЯЙДИ...

***Қоракўл туманидаги "Маъсума" фермер хўжалиги бултур табиатнинг инжиқ келиши, мураккаб ер шароити сабабли пахта тайёрлаш давлат буюртмасини бажара олмай, иқтисодий зиён кўрди. Аванс тариқасида давлатдан олинган 221 минг сўмни қайтариш муаммо бўлиб қолди. "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Бухоро вилоят дирекцияси фермернинг жонига оро кирди.***

**СУҒУРТА**

Гап шундаки, суғуртачилар йил бошида фермер хўжалиги билан берилган аванснинг 50 фоизини суғурталаш юзасидан шартнома тузишган эди. Шу шартнома кучга кириб, фермернинг қўлига 90 минг 600 сўм суғурта қопламаси тегди. Ҳафсаласи пир бўлаёзган ер соҳибининг руҳи кўтарилди. Ахир, "ҳайт" деган туяга мадор, деб бежиз айтишмаган.

Ёки бошқа бир мисол. Пешку туманидаги "Бахшанмомо" фермер хўжалиги бултур табиий қийинчиликлардан азият чекди. Инжиқ чўл шароитида буғдойдан кутилган миқдорда ҳосил олиш имкони бўлмади. Яхшиямки, давлат аванс тариқасида берган 682 минг сўмнинг тенг ярмини суғурта қилиб қўйишган экан. Шу қўл келиб қолди.

-Фермер хўжаликлари билан суғурта шартномалари тузиб, улар ишончини қозонишга интилаяпмиз, - дейди шу компаниянинг Бухоро вилоят дирекцияси директори Убайд Хўжаев. – Чунончи, 32 фермер хўжалигига 5 миллион 708 минг сўмдан зиёд суғурта қопламаси тўланди. Умуман, жамоамиз бултур суғуртанинг барча турларидан тушган тушумни 2001 йилдагига нисбатан 32 фоизга кўпайтирди.

Маълумки, республикамиз Президенти томонидан 2002 йил 31 январида "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармон қабул қилинган эди.


(Давоми 3-бетда)


**ИНСОН ЎЗИНГ**

# ХИЗМАТДАГИ АЗАДОРЛАР

***Туғилиш бор экан, демак ўлим ҳам муқаррар. Шу боис Ҳадиси шарифларда, бошқа манбаларда инсон дунёга келиши, алалоқибат, бу оламни тарк этиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар маълум меъёрларда тартибга солинган. Бизнинг гумроҳлигимиз эса...***

Гумроҳлигимиз шундаки, асрлар оша келинган ана шу энг тўғри тўхтамларга мукаммал амал қила олмаймиз. Яқинда қўл учида кун кўриб турган, ғариб бир оиланинг соҳиби узоқ давом этган хасталикдан сўнг вафот этди.


(Давоми 4-бетда)


# ШИРМОНОЙНИНГ ИЗЛАРИ

**Эй, субҳи сабоҳ еллари,**
**тўхтанг, менга навбат,**
**Тингланг мени Поп ерлари,**
**тўхтанг, менга навбат!..**
**Ширмон дея, Ширмон дея,**
**куйлаб ва этиб лол,**
**Келтирди хушон йўллари,**
**тўхтанг, менга навбат!**

**ЯХШИЛАР ЁДИ**

Ҳар гал шу қўшиқни тинглаганимда адоқсиз пахтазор ёнидаги тутқатор бўйлаб келаётган аёл кўз олдимда гавдаланаверади. Эгнида одмигина кўйлак, оёғида ихчам этик. Ўрта бўйли, қорамағизгина, чарос кўзли ёқимтой аёл – Ширмоной.

У теримчиларнинг сараси эди. Далага қачон келишини ҳам ҳеч ким билмасди. Тонг ёришиб пайкал бошига етиб келган теримчи қиз-жувонларнинг кўзлари пахтазор ўртасида тикланган иккита қанорга тушарди. Аммо, теримчининг ўзи кўринмасди. Унинг қаердалигини нариги адоқда ғўзаларнинг сезилар-сезилмас тебранишидан билиб олишарди. Ширмоной ҳеч нарсага чалғимай, бутун диққат-эътибори билан пахта терарди. Ҳеч ким унга етолмасди.

Авжи кузда Тошкентдан бир гуруҳ шоир-ёзувчилар келди. Меҳмонларни Ширмоной ишлаётган далага олиб боришди.


(Давоми 4-бетда)



"ҒАЛЛАБАНК" - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН



**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ОТЛАР КИШНАБ ТУРСИН

ҚЎЛГА ТУШГАН ҲАЙДОВЧИ

ХОРАЗМЧА АСКИЯ

**“ЎзДЭУавто” компанияси автомобилларини кредитга сотиш бошланганидан бери дастлабки бир ой ўтди. Компанияга харидорлардан келаётган кўп сонли миннатдорчилик хатларида сотишнинг ана шу кўриниши уларга маъқул бўлганлиги таъкидланган. Улар бу усулда истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва имкониятлари тўла ҳисобга олинганлигини билдиришмоқда. “ЎзДЭУавто” акциядорлик жамияти маркетинг ва сотиш дирекцияси раҳбари Ботирхўжа Сидиқов автомобилларни кредитга беришнинг дастлабки якунлари ҳақидаги саволларга қуйидагича жавоб берди:**

# ХАРИДОР ЭҲТИЁЖИ ВА ИМКОНИЯТИ ҲИСОБДА

## “ЎЗДЭУАВТО”: СОТИШ ҲАЖМИ ЎСМОҚДА

**-Ботирхўжа Бувахўжаевич, марҳамат қилиб автомобилларни кредитга сотишни ташкил этишдан кўзланган мақсадга тўхталсангиз.**

-Ҳозирги пайтда дунё миқёсида савдо-сотиқда кредитдан фойдаланишга алоҳида устунлик берилади. Чунки бу усул истеъмолчилар учун қулай ва тежамлидир. Буюм ва маҳсулотларни шундай усулда сотиб олиш аҳолининг барча қатламларига мақбул бўлиб, тадбиркорлар учун ғоят манфаатли. Компаниямиз республика аҳолисига шу йилнинг 1 августига қадар “ЎзДЭУавто”нинг барча моделидаги автомобилларни кредитга сотиб олиш имкониятини яратиб берди.

**-Бугунги кунда автомобилларни сотишнинг умумий ҳажмида кредитдан фойдаланган ҳолда харид қилишнинг салмоғи қанча бўлмоқда?**

- “Асака” банки билан ҳамкорликда автомобилларни кредитга расмийлаштириш бошлангандан бери харидорлар томонидан уларнинг қарийб 400 таси сотиб олинди. Бу – республикамиз фуқаролари томонидан накд пулга сотиб олинган автомобиллар умумий ҳажмининг 30 фоизга яқинини ташкил этади. Ўйлайманки, бошланиши ёмон эмас. Зотан, автомобилларни кредит йўли билан расмийлаштиришни хоҳловчилар сони кундан-кунга кўпайиб, дилерлик корхоналаримизда иш тобора қизиб бормоқда. Бу бизни жуда қувонтираяпти. Харидорларга қулайлик яратиш юзасидан компания томонидан кўрилган барча чора-тадбирлар сотиш ҳажмини кўпайтириш имконини берди. Агар илгари ҳужжатларни расмийлаштиришга деярли икки ҳафта вақт кетган бўлса, ҳозир эса атиги бир кун кифоя қилаяпти.

Кредитга сотилган автомобилларнинг салмоқли қисми – 100 га яқини Тошкентда расмийлаштирилди. “Сергели автохизмат” корхонаси бугунги кунда шу соҳада алоҳида ўрнак бўлаяпти. Вилоятлардаги дилерлик корхоналаримиз ҳақида гапирадиган бўлсак, Сурхондарё, Навоий, Фарғонада бошқалардагига нисбатан иш яхши кетаётганлигини таъкидлаш зарур.

**- Маълумки, “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси ўз маҳсулотларини сотишни ташкил этишга автомобиль заводи фойдаланишга топширилмасдан илгариёқ киришганди. Автомобилларни кредитга сотишга қандай тайёргарлик кўрилди?**

-Компания раҳбарияти ўзининг молиявий имкониятидан келиб чиққан ҳолда бозорлардан эски автомобилларни сотиб олаётган, лекин “ЎзДЭУавто”нинг янги машиналарида юришни хоҳловчиларга шарт-шароит яратиб бериш ҳақида анчадан бери ўйлаб келаётганди. Биз кўплаб лизинг компанияларига мурожаат этиб, улар энг ками қанча миқдордаги хизмат ҳақи эвазига автомобилларни кредитга сотишни ташкил этишлари мумкин эканликлари билан қизиқдик. Очиғини айтганда, бизга айтилган таклифлар харидорларни қизиқтира олмаслиги аён бўлди. Биз бир қатор республика банклари билан музокаралар олиб бордик, кўплаб таклифларни кўриб чиқдик. Бизнинг назаримизда истеъмолчиларга мақбул бўладиган таклифлар “Асака” банки томонидан киритилди. Унинг шартлари жуда қулай ва манфаатли бўлганлиги туфайли ўзаро ҳамкорликда ишлашга киришилди.

**-Келинг, “ЎзДЭУавто” автомобилларини кредитга сотишнинг бугунги кунда жорий этилган тартиби асосий қоидаларини газетхонларга яна бир карра эслатиб қўяйлик.**

-Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади. Қолган 40 фоизи эса икки йил давомида йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

### ХИЗМАТ

Масалан, баҳоси 6 миллион 434 минг сўм бўлган оддий “Матиз”ни сотиб олмоқчисиз. Кредит учун ҳар ойда тўланадиган маблағ 150 минг сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳар ой сайин 2-3 минг сўмга камайиб боришини айтиб ўтиш зарур. Қарз олувчининг олинган кредитни сўндириш мажбуриятини таъминлашда автомобилни бериши автомобиль гарови ҳисобланади. Яъни, автосалонга келган харидор кафолат сифатида автомобилнинг ўзини расмийлаштиради. Корпоратив мижозлар эса кафолат хати тақдим этишлари мумкин. Бундай ҳолатда кафолат шартномаси талаб қилинмайди.

**-Ҳозирги пайтда бир қатор банклар “ЎзДЭУавто“ компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларни кредитга сотиш шартларини қайта кўриб чиқиб, ўзгартириш истагини билдирмоқдалар. Бу хусусда қандай фикрдасиз?**

- Биз автомобиль ишқибозларини қизиқтира оладиган шартларни таклиф қилувчи барча банклар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Дилер корхоналаримизга ташриф буюриб, бугунги кунда автомобилларни сотиш қандай бораётганлигига ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

### БИТТА ЎРНИГА ИККИТА МАШИНА ХАРИД ҚИЛИШДИ

Ботирхўжа Сидиқовнинг тавсиясига мувофиқ компания вакили билан биргаликда “ЎзДЭУавто”нинг бош дилери ҳисобланган “Ўзавтохизмат”га қарашли Роҳат кўли яқинидаги автосалонга йўл олдик.

Харидорлар учун мўлжалланган шинам ва кенг хонада ушбу автосалон директори Саидакмал Асилов билан суҳбатлашдик. У 5 майдан кейин автомобилларни сотиш ҳажми 1,5 баравар кўпайганлигини ҳикоя қилди. Корхона томонидан кредитга 30 дан зиёд автомобиль сотилди. У автомобилларни кредитга сотишнинг дастлабки кунлари билан боғлиқ бир қизиқ воқеани айтиб берди. Икки ака-ука оталарининг юбилейига совға қилиш учун “Нексия” харид қилиш мақсадида автосалонга келишибди. Улар кредитга машина сотиш шартлари билан танишиб, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳатто автомобиль давлат номер белгисини олиш билан боғлиқ барча юмушлар автосалоннинг ўзида қисқа муддатда бажариб берилишини эшитишиб, битта машинанинг пулига иккита – “Нексия” ва “Тико”ни кредитга расмийлаштириш истагини билдиришди. Улар “Тико” қишлоқ йўлларига мослигини ва деҳқон хўжалигини юргизиш билан боғлиқ юмушларни бажаришда қўл келишини назарда тутиб, шу автомобилни танлашганлигини айтишди.

Мулоқотимиз жараёнида салон директорига яна бир автомобил ишқибозини хариди билан табриклашига тўғри келди. Зулхумор Расулова бутун оила аъзолари номидан “Матиз” автомобилининг калитини қабул қилиб олди. Етти фарзанддан иборат бу оила аъзолари укалари Ҳусан Муротовга шу машинани кредитга сотиб олишида кўмаклашишди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бошқармасида ишловчи Ҳ.Муротов яқинда “Волга” машинасини сотганди. У янги автомобиль ҳайдашни ният қилиб, орзусига эришди.

-Биз Сергелидаги автомобиль бозорига қарийб бир ой давомида қатнадик, - деб ҳикоя қилади Зулхумор. – Бизда бор бўлган пулга янги машина сотиб олиш қийин. Укамиз эса кумуш ранг “Матиз” ҳайдашни орзу қиларди. “Правда Востока” газетасини ўқиб туриб, автомобилларни кредитга сотиш ҳақидаги эълонга кўзим тушиб қолди. Шундай қилиб, “ЎзДЭУавто” компанияси томонидан яратилган имкониятдан фойдаланиб, кредитга машина сотиб олдик ва биз бундан ғоят миннатдормиз. Биз бугун 3 миллион 800 минг сўм тўладик. Бу пулга бозордан ўзимизга маъқул бўлган автомобилни ололмасдик. Кредит аҳоли учун турли моллар ва маҳсулотларни сотиб олишнинг энг манфаатли усулидир.

Яқинда ҳайдовчилик гувоҳномасини олдим ва мен ҳам кредитга “Матиз” сотиб олишни истайман. Мен бу моделнинг манфаатли ва ишончли эканлигидан хабардорман. Орзуларим яқинда рўёбга чиқади. Имкониятдан фойдаланиб, “ЎзДЭУавто” кўпгина автомобиль ишқибозлари ўз орзуларига етишишлари учун муҳим қадам ташлаганлигини таъкидламоқчиман.

**Жамила АИПОВА**

# БИР СЎМ ТОПАМАН ДЕБ ЮЗ СЎМ ЙЎҚОТДИ

***Азал-азалдан у юртдан бу юртга мол олиб келган савдогарларнинг мақсади авваламбор моддий манфаатдорлик бўлган. Қолаверса, улар мамлакат бозорларининг тўкин бўлиши учун ҳам хизмат қилишган.***

Машаққатли касбни танлаган тужжорлар баъзан чўлу биёбонларда қароқчилар томонидан аёвсиз таланишган, гоҳида эса фирибгар-қаллоблар чангалига тушиб, бор мол-мулкидан ажралишган. Аммо, улар қайси мамлакат ҳудудига киришса, албатта давлат томонидан белгиланган бож ва бошқа тўловларни бажонидил тўлашган. Ниҳоятда мушкул меҳнатлари эвазига бойлик орттиришган ҳамда аҳолининг зарур молларга бўлган эҳтиёжини қондиришдек савобли вазифани бажаришган. Шу туфайли савдогарлар жамиятда катта мавқега эга бўлишган.

Бизнинг замонамизда ҳам худди шундай фаолият билан шуғулланувчиларни тадбиркор-тижоратчилар деб атаймиз. Уларнинг кўпчилиги ҳалол меҳнатлари билан эл корига яраётирлар. Аммо тижоратчи ниқоби остида фаолият юритаётган айрим қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам борки, улар бажонидил давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда, белгиланган тўловларни тўлашга келганда номардлик қилишмоқда. Бундайлар жорий этилган тартиб-қоидаларга иложи борича чап бериб, фақат ўзларининг фойдасини ўйлайдиган бўлиб қолишган. Четдан товар олиб келишса, давлат божини тўламаслик учун божхона солиқ ва бошқа назорат идоралари ходимларининг кўзини шамғалат қилишга тиришадилар.

Фикримизни далилламоқ учун Беруний туман давлат солиқ инспекцияси маълумотларига мурожаат этайлик.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимиз ҳудудини қўшни Туркманистон ва Қозоғистон билан туташтириб туради. Россия Федерацияси сарҳадлари ҳам бу ерга унчалик узоқ эмас. Бундай жўғрофий имконият савдогарларга, яъни тадбиркорлар учун жуда ўнғай эканлиги сир эмас. Аммо, истиқлол берган шароитларни нотўғри тушуниб, баъзи тадбиркорлар аввалига

### СОЛИҚ

мавжуд қонунларни бузишиб, кейин “эҳ, хом сут эмган банда” дея надомат чекиб ҳам қолишмоқда. Ана шундай боши деворга урилиб, кўзи мошдек очилганлардан бири Беруний шаҳрида яшовчи Нагима Калимбетовадир. Бу аёл фойдаланиш муддати ўтиб кетган, истеъмолга мутлақо яроқсиз 66230 сўмлик дори-дармонлар билан одамларни “даволаётган” экан. Амалдаги тартибларга риоя қилмаган “тадбиркор” шунча суммадаги сифатсиз молидан маҳрум бўлгани етмагандек, яна 22675 сўм миқдорида жарима ҳам тўлашга мажбур бўлди.

Нагима Калимбетованинг ҳамшаҳари Бахтиёр Ибрагимов, “Шаббоз” ширкат хўжалигида яшовчи Тамара Тангирберганова ва Абдухолиқ Аймановлар ҳам тақиқланган усулда сотаётган молларидан ажралишди, устига-устак, катта миқдорда жарима тўлашга ҳам мажбур бўлишди.

Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, ҳукуматимизнинг “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажаришни, аниқроғи, ўзларининг савдо фаолиятини шу ҳужжат талабларига мослаштиришни хушламаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Масалан, солиқчилар берунийлик Давлат Жуманиёзов фаолиятини текширишганда савдодан тушган 7600 сўм накд пул тушуми банкка топширилмай яшириб қўйилганлиги аниқланиб, у ана шу миқдорида жаримага тортилди. Бундан ташқари ундан назорат-касса машинасини ишлатмагани учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравар миқдорида, яъни 90 минг 700 сўмлик жарима ва яна 22 минг 600 сўмлик маъмурий жарима ҳам ундирилди. Хуллас, яширилган 7600 сўм Д.Жуманиёзовга нақ 120 минг 600 сўмга тушди.

“Сабуров Айбек” хусусий фирмаси фаолияти солиқчилар томонидан кўздан кечирилганда эса бу ерда ҳам 6000 сўм нақд пул тушуми яширилганлиги фош бўлиб қолди. Устига-устак назорат-касса ускунаси ҳам қўлланилмаган. Натижада шу 6000 сўм пул мазкур фирмани 453500 (энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари) сўм, унинг раҳбарини эса 23000 сўм миқдоридаги жаримага “тўғрилаб” қўйди. Худди шундай “қисмат” бор-йўғи 700 сўмни касса аппаратидан ўтказмаган “Сакен” хусусий фирмаси “пешона”сида ҳам бор экан.

Кимнинг ҳам кўпроқ пул жамғариб, бойигиси, яхши яшагиси келмайди, дейсиз? Ҳар бир инсон бунга ҳақли, албатта.

Аммо бунга қинғир йўллар билан эмас, ҳалол, ишнинг кўзини билиб, давлат ва халқ манфаатларига путур етказмасдан ҳам эришиш мумкинку? Давлатни алдаб бир сўм топаман деган хомхаёл билан охир-оқибат 100 сўм йўқотиш эса ўз-ўзини алдашнинг яққол намунасидир.

**Дамехон МЕДЕТОВА**

# МУШКУЛ ПАЙТДА СУЯЙДИ...

**(Боши 1-бетда)**

Шу Фармон ҳамда ҳукуматнинг тегишли қарори ижроси бўйича бухоролик суғуртачилар кенг қамровли ишларни амалга оширишмоқда. Чунончи, Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалигида суғуртани жорий қилсак, у текшириб, кафолатлаб, шу хўжаликка кредит бериш мумкин, дейдиган тизим пайдо бўлса, қишлоқ хўжалигида адолат юзага келади” деган кўрсатмаларига мувофиқ, жойларда мониторинглар ўтказилди. Ҳар бир хўжаликнинг уч йиллик ўртача ҳосилдорлигидан тортиб то уларга хизмат кўрсатувчи банкларгача бўлган жараён ҳақида маълумотлар тўплами тайёрланди. Фермер хўжаликларига бериладиган имтиёзли кредитларни суғурталаш учун тижорат банклари, уларнинг туманлардаги бўлимлари билан бош полис (шартнома) тузилди. Жорий йил дастлабки чорагида пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига ажратилган кредит маблағлари бўйича тегишли тарзда суғурта шартномалари тузилиб, жами 28,9 миллион сўм миқдорида суғурта тушуми таъминланди. Умуман эса шу йилнинг дастлабки уч ойида суғуртанинг барча турлари бўйича 78 минг 629 та суғурта шартномаси тузилди. Суғурта тушуми эса ўтган йилнинг дастлабки чорагидагига нисбатан деярли 50 фоизга кўпайди. Суғуртачиларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам ўз самарасини беряпти. Жойларда суғуртавий хизмат кўрсатиш шохобчаларига эҳтиёж сезилгани ҳам шундан. Ҳозир Бухоро, Ромитан, Қоракўл, Олот, Шофиркон туманларидаги шундай шохобчаларда икки нафардан суғурта агенти фаолият кўрсатмоқда.

-Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар билан шартномалар тузиб, суғурта жавобгарлигини зиммамизга олаяпмиз, - дейди вилоят дирекцияси директори ўринбосари Фахриддин Умаров. – Ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб 21 та суғурта тури бўйича тегишли лицензия берилди. Шунга мос тарзда “Обод маҳалла” дастурини ҳам ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этаяпмиз.

Дарвоқе, бу дастур қишлоқ ва маҳаллаларда яшовчи юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг саломатлигини, мол-мулкини турли табиий офатлардан, бахтсиз ҳодисалардан суғуртавий ҳимоя қилишни такомиллаштиради. Дастурга кўра, қишлоқ фуқаролар йиғини ходими суғурта агенти сифатида фаолият олиб боради. Бундан фуқаролар йиғини ҳам бевосита манфаатдор. Чунки суғурта тушумининг 25 фоизи фуқаролар йиғини ҳисоб рақамига кўчирилади. Бу қўшимча даромад манбаидир. Муҳими, суғурта тизими ўз афзалликларини кўрсатмоқда. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида кафолатли суғуртасиз ҳаётимизни тасаввур этиш мушкул.

**И.ИБРОҲИМОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## “ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШЛИЗИНГ” АКЦИЯДОРЛИК ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

**АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2003 ЙИЛ 31 МАЙДА ЎТКАЗИЛДИ.**

*Ўтказилган манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-а уй. Умумий йиғилишда овоз берувчи акциялар миқдори 919206 дона, кворум 70,7 фоизни ташкил қилди.*

**ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ**

**1.** Компаниянинг молиявий-иқтисодий фаолияти ҳақида йиллик ҳисобот;

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ – БИР ОВОЗДАН ТАСДИҚЛАНДИ.

**2.** Бухгалтерия балансини, фойда ва зарар ҳисобини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ - 89,5 % ТАРАФДОРЛАР, 10,5 % БЕТАРАФЛАР;

**3.** Компания тафтиш комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиш;

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ - 89,5 % ТАРАФДОРЛАР, 10,5 % ҚАРШИЛАР;

**4.** Компания аудиторининг хулосасини кўриб чиқиш;

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ - 89,5 % ТАРАФДОРЛАР, 10,5 % ҚАРШИЛАР;

**5.** Кузатув кенгашининг янги аъзолари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ – БИР ОВОЗДАН ТАСДИҚЛАНДИ, ЯНГИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ: *Жўраев А.М.; Ҳусанов Н.Н.; Матчанов Р.Д.; Казиев П.Р.; Худайберганов А.Х.; Шарипов И.Р.; Тен Э.В.*

**6.** Компания бошқарув раисини тасдиқлаш:

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ – БИР ОВОЗДАН ТАСДИҚЛАНДИ;

**7.** Компания аудиторини тасдиқлаш;

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ 89,5 % ТАРАФДОРЛАР, 10,5 % БЕТАРАФЛАР;

**8.** Компаниянинг Устав фондини кўпайтириш ва IV-эмиссия рисоласини чиқариш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш;

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ - 92,1 % ТАРАФДОРЛАР, 7,9 % ҚАРШИЛАР. ЯНГИ ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ МИҚДОРИ 200000 ДОНА ОДДИЙ ЭГАСИ ЁЗИЛГАН АКЦИЯ.

**9.** Компания уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ – БИР ОВОЗДАН ТАСДИҚЛАНДИ;

**10.** Дивидендлар миқдори ва тўлаш тартибини тасдиқлаш;

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ – БИР ОВОЗДАН ТАСДИҚЛАНДИ.

Дивиденд миқдори: оддий эгаси ёзилган акцияга – 26 %; имтиёзли эгаси ёзилган акцияга – 40 %; дивиденд тўловлари эълон қилингандан бошлаб 31 кундан кейин акциядорларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш билан амалга оширилади.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

“ПАХТА БАНК”

Барча хоҳловчи шахсларга моддий бойликларингиз, ноёб буюмларингиз ва ҳужжатларингизни сақлаш учун янги қулай хизмат тури “БАНК ДЕПОЗИТ КАТАКЧАЛАРИ”дан фойдаланишни таклиф этади!



“БАНК ДЕПОЗИТ КАТАКЧАЛАРИ”нинг ҳажмига мутаносиб равишда бир ой муддат учун атиги 900 сўмдан 2300 сўмгача хизмат ҳақи олади.

Банк қимматли буюмларингизнинг ишончли сақланиши ҳамда сир тутилишига кафолат беради!

“ПАХТА БАНК” – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Тўлиқ маълумот олиш учун телефонлар:

173-25-33; 78-20-91

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## “КАТТА САККИЗЛИК” САММИТИ

***Франция жанубидаги Эвиан шаҳрида бўлиб ўтаётган “катта саккизлик” давлатлари раҳбарларининг уч кунлик саммити бугун ниҳоясига етади, дея хабар беради “Франс-Пресс” агентлиги.***



Ушбу нуфузли анжуманда "катта саккизлик" давлатлари раҳбарларидан ташқари Осиё, Африка, Европа, Лотин Америкаси қитъаларининг 12 та ривожланаётган мамлакатлари бошлиқлари ҳам иштирок этмоқдалар. Саммит кун тартибига Ироқдаги тикланиш жараёнлари, жаҳондаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик муаммолар ҳамда қашшоқ давлатларга молиявий кўмак бериш каби масалалар ҳам киритилган. Учрашувга раислик қилаётган Франция президенти Жак Ширак гарчи Ироқ борасидаги Вашингтон – Париж муносабатларида қарама-қаршилик вужудга келган бўлса-да, Жорж Бушнинг бугунги ҳаракатларини юқори баҳолади. Анжуманда чиқиш қилган АҚШ президенти эса жаҳон ҳамжамиятини терроризмга ва оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришга уринаётган давлатларга қарши кескин чоралар кўришга чақирди.

## ЖЕНЕВА ВА ЛОЗАННАДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

***“Катта саккизлик” саммити ўтаётган Эвиан шаҳрига яқин бўлган Швейцариянинг Женева, Лозанна шаҳарларида 50 мингдан ортиқ антиглобчилар норозилик намойишлари ўтказмоқдалар.***




Уларнинг кечаги ҳаракатлари натижасида кўплаб дўконлар, муассасалар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларига жиддий зарар етган. Швейцария ва Франция полиция хизматларининг уларга қарши жорий этган тўсиқларига ёрдам тариқасида Германия полицияси ҳам жалб этилган. Тош, шарикли подшивник каби нарсалар билан қуролланган намойишчиларга қарши полиция кўзни ёшлантирувчи газ ва резинали қамчилардан фойдаланмоқда. Қурбонлар кузатилмаган бўлса-да, лекин Лозаннадаги тўқнашувлар вақтида 12 нафар намойишчи жароҳатланган. Швейцария полициясининг маълум қилишича, намойишлар саммит тугагунга қадар давом этади, дея хабарини якунлайди "Lenta.ru".

## ЛИВИЯ БАҒДОДДАГИ ЭЛЧИХОНАСИНИ ЁПИБ ҚЎЙДИ

***АҚШнинг ҳозирда Ироқда турган хорижий давлатлар ваколатхоналари тан олинмаслиги, айни пайтда уларнинг хавфсизлик ва дахлсизлик мақомларини кафолатловчи ҳукумат йўқлиги ҳақида билдирган баёнотидан сўнг, Ливия ҳукумати Ироқ билан дипломатик алоқаларини тўхтатишга ва Бағдоддаги элчихонасини вақтинчалик ёпиб қўйишга қарор қилди.***



Ироқда янги ҳукумат тузилганидан сўнг, ўзининг Бағдоддаги дипломатик фаолиятини қайта тиклашни баён этган Ливия Қўшма Штатларнинг баёнотини халқаро ҳуқуқ ва конвенцияларга хилоф, дея баҳолаган. Ўтган ҳафта эса Фаластиннинг Ироқдаги элчихонасида тинтув ўтказган Америка ҳарбийлари рўйхатдан ўтказилмаган қурол сақлашда гумон этиб, элчихонанинг бир неча ходимларини ҳибсга олганлар.

## SARS БЎЙИЧА ЯНГИ РЎЙХАТ

***Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, душанбага қадар номаълум SARS касаллиги туфайли ҳаётдан кўз юмганлар сони дунё бўйича 764 кишига, уни ўзига юқтириб олганлар сони эса 8360 кишига етган.***



Ташкилотнинг билдиришича, касаллик пайдо бўлган Хитойда ушбу хавфга дахлдор 7744 та ҳолат қайд этилган. Шунингдек, АҚШда – 66, Сингапурда – 206, Канадада – 188, Вьетнамда – 63, Филиппинда – 12, Италия, Германия, Мўғилистонда тўққизтадан, Таиландда – 8, Жанубий Корея ва Ҳиндистонда – учтадан, Бразилия, Индонезияда – иккитадан, Россия, Руминия, Колумбия, Қувайт, Ирландия, ЖАР, Испания, Швейцария, Болгария, Янги Зеландия ҳамда Финляндия мамлакатларида эса биттадан ана шундай ҳолатлар қайд этилган. Ҳалок бўлганлар сони эса Хитойда – 691, Канадада – 30, Сингапурда – 31, Вьетнамда – 5, ЖАР, Таиланд, Филиппин, Малайзия давлатларида бир кишиданни ташкил этади.

## 9 ҚАВАТЛИ БИНО ҚУЛАДИ

***“Интерфакс” агентлигининг хабар беришича, Москва шаҳри яқинидаги Коломн мавзесининг Киров кўчасида жойлашган 15-кўпқаватли уйда ҳалокат юз берган.***



Яъни, уйнинг 8-9-қаватларида қулаш ҳолати кузатилган. Харобалар остидан эса 19 киши қутқариб олинган ва уларнинг бири жароҳат олганлиги боис, шифохонага ёткизилган. Жабрланган шахснинг айтишича, фожиа юз берган вақтда квартираларида унинг ота-оналари ҳам бўлган эди. Объектда фавқулодда ҳолатлар вазирлиги ходимлари иш олиб бораётган бўлиб, уларнинг тахминича, воқеага табиий газнинг портлаши сабаб бўлган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 3 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 630,82 | 1 Польша злотийси | 261,36 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1581,41 | 1 СДР | 1380,16 |
| 1 Дания кронаси | 152,94 | 1000 Туркия лираси | 0,68 |
| 1 БАА дирҳами | 264,66 | 1 Швейцария франки | 743,96 |
| 1 АҚШ доллари | 971,98 | 1 ЕВРО | 1134,79 |
| 1 Миср фунти | 162,81 | 10 Жанубий Корея вони | 8,05 |
| 1 Исландия кронаси | 13,45 | 10 Япония иенаси | 81,64 |
| 1 Канада доллари | 709,63 | 1 Россия рубли | 31,65 |
| 1 Хитой юани | 117,43 | 1 Украина гривнаси | 182,26 |
| 1 Малайзия ринггити | 255,82 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# ШИРМОНОЙНИНГ ИЗЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Шоир билан теримчи қиз ўртасидаги суҳбат узоққа чўзилмади. Шоир бунчалар илғорлик, чапдаст-чаққонлик "сири"ни билгиси келар, ҳамсуҳбати эса вақтдан қизғанарди. Оддийгина теримчи қиз, унинг меҳнати, ғайрати, азму шижоати шоир юрагига илҳом солди. Шеър даланинг ўзида туғилди. Туроб Тўла бу шеърни теримчилар тушликка чиққанда, шундоқ хирмон бошида ўқиб берди. Чоратрофни қарсаклар садоси тутди.

Кўп ўтмай теримчилар ушбу шеър асосидаги дилкаш таронани Ўзбекистоннинг хушхон булбули Коммуна Исмоилова ижросида радиодан эшитдилар.

**...Куйлай, қўшиғим домини**
**тутсин унга мангу**
**Сир еллари, соҳиллари,**
**тўхтанг, менга навбат.**

**Кўй, токи Туроб юртини куйлаб**
**маза қилсин,**
**Яйраб яна кўнгиллари, тўхтанг,**
**менга навбат!**

Ана шу қўшиқ деҳқон қизи Ширмоной номини бутун мамлакатга таратди. Ширмоной Мирсултонова Тошкентдаги қишлоқ хўжалик техникумини тамомлаб қайтгач, Поп ёшларига етакчилик қила бошлади. Бир қатор нуфузли идораларда ишлади.

-1963 йили олийгоҳни тамомлаб келиб, туман халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлардим, - дея ҳикоя қилади кўп йиллар туманнинг ташкилотчи аёлларидан бири Муҳаббатхон Раҳмонова, - бир куни опа йўқладилар. Кирсам:

-Сизни туман ёшлар ташкилотига ишга олмоқчимиз, - дедилар.

-Опажон, ҳали тажрибам кам, эплолмайман.

-Ҳеч ким онасининг қорнидан раҳбар бўлиб туғилмайди. Ҳаётнинг ўзи тарбиялайди. Бирга ишлаймиз, ўрганиб кетасиз, - дея, - шу-шу опа билан устоз-шогирд бўлиб қолдик. Мен нимаики қилган бўлсам опа билан бамаслаҳат қилганман. Юриш-туришни, одамлар билан муомалани, раҳбарлик санъатини шу аёлдан ўрганганман. "Бир ишга киришдингизми, охирига етказинг" дердилар опа. Одамларга меҳрибон, айни пайтда талабчан, дилкаш, дилбар аёл эди раҳматли...

-Халқпарвар эди, халқ иши учун кеча-кундуз тиним нима билмасди, - деб эслайди кекса деҳқон Мамажон ака Турсунов, - қишлоғимиз кўчалари то Тошкент йўлининг тепасигача асфальт ётқизиб берганди. Аҳолига уй қуриш учун ер-жой бериш қатъий тақиқланган даврлар эди. Ширмоной шаҳар ўртасидаги 16 гектарлик пахта ерини шартта одамларга бўлиб берворди. Бу ўша пайтдаги жасорат эди.

-Туман ижроқўмини бошқарганда ҳам, райкомга котиб, хўжаликка раис бўлганда ҳам қишлоқма-қишлоқ, далама-дала юриб оддий мутахассислар, колхозчилар орасидан ташкилотчилик қобилияти бор, меҳнаткаш, фидойи хотин-қизларни танлаб, раҳбарлик ишларига тавсия қиларди, - деб эслайди опанинг сафдошларидан Малика Ҳасанова, - узоққа бормай, мен оддий теримчи эдим. Кейин бригадир бўлдим. Ширмонойнинг тавсияси билан хўжалик партия ташкилотини бошқардим, қишлоқ кенгашига раислик қилдим...

-Ширмоной опани эсласам вужудим титраб кетади, - дейди опанинг шогирдларидан яна бири Қаноатхон Олимова, - амакимнинг бригадасида ҳисобчи эдим. Опанинг тавсиялари билан техника соҳасига ўқиб, машинада пахта териб юрдим. Бир куни мавсум охирлаб қолганда чақирдилар.

-Сизни дарёнинг у бетига қирқта қизга бошлиқ қилиб ўтказяпмиз, - дедилар.

-Бўпти, опа, - дедим.

-Кулишяпман, - дедилар опа чиройли кулиб, - дарёнинг у бетида эмас, ўзимизда "қирқ қизлар" бригадаси ташкил қиламиз, сиз бошлиқ бўласиз. Эртага бригадани бориб кўринг, аъзоларингизни танлаб олинг...

Кўп ўтмай жамоамиз довруғи бутун республикани тутиб кетди. Ғурумсаройда Анорхон, Замиралар, Наймандa Тўқсулув, Ҳалима опалар, буёқда биз...

Шоир Туроб Тўла:

**Сарҳовузнинг бўйларида**
**учарми ғоз,**
**Чаман бўлур уч дугона**
**қилса парвоз.**
**Уч даламиз тароватӣ,**
**уч сарвиноз.**
**Попнинг попук қизларига**
**ялли-ялли,**

**Ширмонойнинг юзларига**
**ялли-ялли**

деган навбатдаги қўшиқни ана шундай ёзган эдилар...

-Фидойи аёл эди Ширмоной, - дейди бугунда Ширмоной Мирсултонова номидаги ширкат хўжалиги машъал теримчиларидан бири Лолахон Усмонова, - бир кун олдин хонадонма-хонадон юриб, пилланинг етилган-етилмаганини ўз кўзи билан кўриб, бирма-бир текшириб чиққанди. Меникигаям кириб ғуж-ғуж, оппоқ дасталарни кўриб хурсанд бўлган, мени мақтаб-мақтаб чиқиб кетганди. Эртасига эса... Ўша машъум воқеани эшитдик. Ширмоной бахтсиз ҳодиса туфайли касалхонага тушибди. Кўргани бордим. Ўзи бир аҳволда ётибди-ю, "Қалай Лолахон, пиллани терволдингизми, ҳорманг энди, ўртоқжон!" дейди-я! Қалби дарё аёл эди раҳматли.

**Сарҳовузнинг бўйларида**
**гуллар чаман,**
**Дугоналар дийдорига**
**йўллар чаман,**
**Меҳри билан яшнаганда**
**далалари,**
**Йўллар нечук, диллар чаман,**
**йиллар чаман!**
**Попнинг попук қизларига**
**ялли-ялли,**
**Ширмонойнинг изларига**
**ялли-ялли!**

Қўшиқ қанотида Поп далаларини кезаман. Хаёлимда Ширмоной ҳам мен билан ёнма-ён дала кезаётгандек. Ҳамон яхши ишларга бош-қош бўлиб юргандек, ҳализамон пайкал оралаб қаршимдан чиқиб келадигандек туюлаверади...

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# МАНЗИЛГОҲ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

ФИКР

***Хат узоқни яқин қилувчи алоқа воситаси ҳисобланади. Инсонлар ўз саломатлигини, янгилик ва турли хил хабарларни бир энлик хат орқали биладилар.***

Хат ёзишмалари қадим-қадим замонларда ҳам мавжуд бўлган. Ундан ҳозирда ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Мана мустақиллигимизга ҳам бир мучал тўлай деб қолди. Мамлакатимизнинг турли жабҳаларида кўзни қувнатадиган ўзгаришлар, ривожланишлар кўзга ташланмоқда. Шу жумладан, алоқа воситалари тизимида ҳам. Биргина хат жўнатишда конвертлар 12 йилда 2 марта ўзгарди. Ёзилиш манзиллари эса 3 марта. Лекин хат ёзишдаги конвертларнинг ўзгариши ёки манзилларидаги ўзгаришлар ҳақида бирор марта тегишли матбуотлар орқали фуқароларга хабар берилмади. Натижада алоқа бўлимларида хат жўнатишда чалкашликлар бўлаётир.

Илгари хат жўнатиш конвертлари ҳажми 11x14 сантиметрлик бўлган бўлса, ҳозирда 11x22 сантиметрлик конвертлар жорий этилди. Илгари конвертлар тайёр маркали эди. Эндиликда эса маркасиз, манзиллари ўзгариб чиқди, яъни "қаерга" деган жойи пастда, "кимдан" деган жойи юқорида, тескари ҳолатда ёзиладиган бўлди. Почта хизматида фойдаланилаётган конвертлар савдо дўконларида тўла. Лекин уларнинг нархларида ҳам тафовут бор. Яъни савдо дўконларида бир дона конверт 20-25 сўм бўлса, алоқа бўлимларида эса бир дона конверт 35 сўм. Бундай тушунмовчилик ҳали-ҳануз давом этмоқда. Демоқчиманки, мазкур тизимда маълум бир йўналиш танлаб олинса, мақсадга мувофиқ бўлармиди?

**Ўрол БЕКМУРОДОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

# ДУТОР ШУНДАЙ ЯРАТИЛАДИ

ҚАДРИЯТ

***Дутор бир қараганда, икки тордангина иборат, оддий чолғу асбобидек кўринади. Аммо ана шу торлар титратмасидан янграйдиган нолалар инсонга беқиёс завқ бағишлайди.***

Мусиқага оид қўлёзма манбаларга кўра, Чингизхон юришидан олдин кўҳна Урганчдаги дориломон замонларда, пойтахт аҳолиси бир ярим миллион кишини ташкил қилиб, шундан дутор учун ҳаррак ясаб рўзғор тебратадиганлар сони минг кишини ташкил этган.

Хўш, ана шундай дилтортар мусиқа асбобининг ўзи қандай яратилади? Бу саволга Хоразм мусиқа тарихининг билимдонларидан, шоир ва драматург, айни пайтда моҳир созанда Комил Аваз шундай жавоб берди:

-Баъзи кишилар дуторнинг жарангдорлигини чолғу билан боғлашади. Аммо бунинг ўзига хос сири бор, гап дуторнинг қандай яратилишида. Дутор бўладиган тут дарахти танлангач, ўрни белгиланади. Чуқур қилиб қазилган қудуқ тубига кесилган тут ғўлалари саржинлаб тахланади, сўнгра ғишт терилади. Қудуқ 15-20 йил гумбурлаб сув беради. Бўлғуси дуторнинг илк жаранги қудуқ тубидан бошланади. Қария усталар кўрсатган қудуқдан шогирдлар тут кесикларини қазиб олишади, ёнида бошқа қудуқ қазиб, яна янгидан тут дарахти кесиб, кейинги авлод дуторларига замин ҳозирланади.

15-20 йил мобайнида қудуқ тубида ётган созлар соя-елвизакка ташлаб қўйилади. Тўрт-беш йил уларга қўл теккизилмайди. Узоқ йил сув шимган ва яна бир неча йил сувдан қуриган тут кесикларини пишириш мавриди антиқа кечган. Уларни ерга кўмиб, устига тандир қурганлар. Ўтлар ёқилиб, тандир қизитилиб, нонлар ёпилаверган – етти йил, саккиз йил, ўн йил, тандир эскирса, ўрнига янгиси қурилган.

Бўлғуси дуторнинг тобланишига қаранг. Тандир тагидан олинган тут кесикларидан дутор қисимларини тайёрлаб, болахонага ташланган. Яна елвизак – тўрт-беш йил, ана ундан кейин елимланиб, намда ҳам, шамолда ҳам, офтобда ҳам тоб бермайдиган мусиқа асбобига айланган, эшилган ипакдан бир жуфт тор боғланган.

Хуллас, бир дуторни қадим усталар 40 йилда дунёга келтиришган. Шу боисдан титроқ торлар титратмасидан томирларда қон тезлашади, куйга монанд оҳанграбо сеҳр киши руҳиятини аллалайди.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**мухбири.**

# SPORT OLAMIDA

## ЯГОНА ГОЛ ВА МУҲИМ УЧ ОЧКО

***Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасидаги мамлакат чемпионати 10-тур беллашувлари "Нефтчи" – "Андижон" учрашуви билан ниҳоясига етди.***

Очиғи, Юрий Саркисян шогирдлари шу кунгача ажойиб ғалабаларни қўлга киритиб, турнир жадвалининг иккинчи поғонасидан мустаҳкам жой олиб туришибди. Ўз майдонларида андижонликларни қабул қилган "Нефтчи" жамоаси футболчилари тезкор, ҳужумкор ва комбинацион ўйин намойиш этишганликларига қарамай, меҳмонлар дарвозасига атиги биттагина гол кирита олишди. Анвар Бердиев томонидан йўлланган ягона гол Саркисян шогирдларига муҳим уч очкони ҳадя этди.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2,5 МИЛЛИОН ФУТБОЛЧИ ВА 1,5 МИЛЛИОН КУРАШЧИ БОЛАЛАРИ

***Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида ҳар йили ёз фаслида турли хил спорт мусобақалари ўтказилиши анъана тусини олган.***

Республика "Маҳалла" жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида маҳалла болалари жамоалари ўртасида уюштириб келинаётган "Футболимиз келажаги" ҳамда ўзбек кураши бўйича "Маҳалламиз паҳлавонлари" спорт мусобақалари фикримизга далил бўла олади. Ўтган йили "Футболимиз келажаги" турнирида бир ярим миллион нафар болалар қатнашган эди. Жорий йилда ўтадиган турнирда эса улар сони икки ярим миллион нафарга етиши мўлжалланмоқда. Дарвоқе, илгари "Футболимиз келажаги" баҳсларида уч хил ёшдаги болажонлар жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришган бўлса, жорий йилдан ушбу мусобақаларда 4 хил ёшдаги болажонлар қатнашишади. "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақаларида ўтган йили мамлакатимиз бўйича 500 минг нафар болалар гиламга тушишган бўлса, жорий йилда эса бир ярим миллионга яқин ёш полвонларнинг беллашиши режалаштирилмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамғармасида мазкур мусобақаларни камчиликларсиз, юқори савияда ўтказиш хусусида сўз борди. Бу борада бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам муҳокама этилди.

## ИРОДА ЯРИМ ФИНАЛДА ТЎХТАТИЛДИ

***Испаниянинг Мадрид шаҳрида жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари ўртасида ташкиллаштирилган мукофот жамғармаси 170 минг АҚШ доллари миқдоридаги халқаро турнир мамлакатимиз теннис "малика"си Ирода Тўлагановaнинг маҳорати йилдан-йилга юксалиб бораётганлигини яна бир карра исботлади.***

Аввал хабар берганимиздек, италиялик рақиби Панеттани 6/4, 6/2 ҳисобида енгган Ирода кейинги босқичда АҚШлик Фрезер устидан 6/4, 6/1 ҳисобида ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Чорак финал учрашувида Блек билан куч синашган ҳамюртимизга яна омад кулиб боқди. Муросасиз ўйин 7/5, 6/4 ҳисобида Ироданинг ғалабаси билан тугади. Аммо ярим финал баҳсида Тўлаганова Рубинга 6/0, 6/4 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Умид қиламизки, У келгуси турнирларда бундан-да чиройли ўйинлар намойиш этиб, юксак марраларни забт этади.

## АНДИЖОН МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

***Маълумки, шу йил 5 июн куни Андижон вилоятида ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизими ўқувчилари ўртасида "Баркамол авлод" ўйинларининг республика босқичига старт берилади.***

Ушбу мусобақаларни бекаму кўст ўтказишга жиддий аҳамият берилди. Шу мақсадда кўпгина спорт иншоотлари қайтадан таъмирланиб, жиҳозланди. "Баркамол авлод" ўйинларининг асосий мусобақалари ўтадиган вилоят олимпия заҳиралари коллежининг замонавий биноси қисқа муддатларда бунёд этилиб, фойдаланишга топширишга тахт қилиб қўйилди. Андижонлик ёшларга туҳфа сифатида қурилган ушбу спорт мажмуида спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, теннис, шоҳмот, шашка, енгил атлетика, оғир атлетика, бокс, каратэ, таэквандо, ушу, кураш ва бошқа турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Спорт мажмуининг сузиш ҳавзасида ҳам барча шароитлар мужассам. Бир сўз билан айтганда, Андижон "Баркамол авлод" ўйинлари иштирокчиларини интизорлик билан кутмоқда.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги "YOTKK" МЧЖ "AR-PARDOZ" ЁАЖга бирлаштирилиши муносабати билан "YOTKK" МЧЖнинг мажбуриятларини "AR-PARDOZ" ЁАЖ ўз зиммасига олади. Тел.: 195-31-74.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги "TURON-TADBIRKOR" МЧЖ "AR-PARDOZ" ЁАЖга бирлаштирилиши муносабати билан "TURON-TADBIRKOR" МЧЖнинг мажбуриятларини "AR-PARDOZ" ЁАЖ ўз зиммасига олади. Тел.: 195-31-74.

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

### "УНИВЕРСАЛ" ДАРАХТ

***Биргина дарахтда табиатнинг турфа неъматлари етиштирилиши – ҳақиқий мўъжиза.***

Украинанинг Сумск вилоятида истиқомат қилувчи И.Михайленконинг боғчасида тўрт қаватли ғаройиб дарахт ўсган. Азамат дарахтнинг энг юқори қисмида йирик тиллоранг ноклар етилади, пастроғида шафақранг сўлқилдоқ ноклар, уларнинг остида эса нақшин олмалар ўзларини "кўз-кўз" қилиб турадилар. Дарахтнинг ерга яқин қисмида эса, яна хурмача шарбатли ноклар бўлиб, хийла кечроқ пишади. Мазкур бир туп дарахтнинг кўп қаватли намунаси нокнинг ёввойи навига маданий навларни тадбиркорона пайванд қилиш билан етиштирилган экан.

### СОВУН ҲАМ ЎСАРКАН

***Барчага маълумки, озодагарчиликда хислат кўп.***

Шу боис, совун хонадонимиз учун покизалик ашёси ҳисобланади. Американинг Флорида яриморолида ажойиб бир "совун" ўсади. Мазкур ўсимликнинг қиёмига етиб пишган меваларини ишқаб ишлатилса, бинойидек кўпиради. Маҳаллий аҳоли бу ўсимликнинг марҳаматидан фойдаланиб, ҳеч қандай сунъий совун ва бошқа ювувчи воситаларга пул сарфламайдилар. Совун дарахтининг мевалари билан ювилган хўжалик ашёлари ва кийим-кечакларнинг ранги тезда очилиб, гардғуборлардан холи бўлади.

### ШОЛҒОМНИНГ МАРҲАМАТИ

***Илмий-техника тараққиёти борган сари табиий ёқилғиларни кўп миқдорда талаб қилмоқда. Ҳозирда баъзи мамлакатларда ёқилғи танқислиги яққол сезилиб қолди.***

Шу туфайли олимлар янгидан-янги ёқилғи манбалари устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Франциялик олимларнинг изланишлари бирмунча самарали якунланди. Уларнинг фикрича, бу борада шолғом ниҳоятда қўл келаркан. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар бир тонна шолғомдан 100-120 литр сифат даражаси аъло бўлган ёқилғи-спирт олса бўларкан. Тегишли ташкилотларда ҳозир шолғомдан самарали ҳосил йиғиштириш ҳамда ундан ёқилғи олиш борасида кенг кўламда иш олиб борилмоқда.

**Маннон НАБИЕВ**
**тайёрлади.**




Т.МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

## ЎҚИДИНГИЗМИ?

# "ШАРҚ ЮЛДУЗИ"

***Журналнинг 2003 йилдаги биринчи фасли адабиёт ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этилди.***

"Шарқ юлдузи"нинг навбатдаги сони шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-баранглик касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Янгича кўринишда нашрдан чиққан ушбу сондан бир қатор насрий, шеърий ва публицистик асарлар ўрин олган.

Журналда устоз шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган бир қатор қизиқарли мақолалар ўқувчилар эътиборидан четда қолмайди. Жумладан, "Ғафур Ғулом ҳузурида уч кун", "Ойбек кўзи билан Ғафур Ғулом драматургияси ҳақида ўйлар", "Воқеликнинг янгича бадиий идроки" каби мақолалар, улуғ шоиримиз ҳаёти ва ижодининг янгича қирраларини кашф этишга ёрдам беради.

Шунингдек, журналда Маҳмуд Тоировнинг "Отамнинг ўкинчи" достони, Миразиз Аъзам, Исмоил Тўхтамишев ва Даврон Ражабнинг янги шеърлари, Иброҳим Муҳаммаднинг "Хаттош" қиссаси, таниқли адиб Тоҳир Маликнинг "Жиноятнинг узун йўли" рисоласини ва бошқа материалларни ўқишингиз мумкин.

# "ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ"

***Маънавий-маърифий илмий-адабий журналнинг навбатдаги сони босмадан чиқди.***

Унда одатдагидек, халқимизнинг бой маданий мероси, улуғ алломаларимиз яратиб қолдирган дурдоналар, ислом динидаги ижтимоий-ахлоқий қарашлар, эл севган санъаткорлар ҳақида мақолаларни ўқиш мумкин. Жумладан, Афен Кюгельген, А.Мўминовларнинг "Х аср Самарқанд илоҳиётчилари", Муяссар Каримованинг "Аёл ва маънавий баркамоллик", Кубанбек Бектурдиевнинг "Ислом ва аёллар", Абдураззоқ Юнуснинг "Ношукур бўлмайлик" каби мақолаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Таниқли навоийшунос олима Суйима Ғаниеванинг "Мажолисун-нафоис" ва "Замима" тазкиралардан бири", Неъмат Жабборовнинг "Хатти Бобурий алифбоси" каби мақолалар ана шулар жумласидандир.

Шунингдек сиз журналда Аловуддин Садриддиновнинг Соҳибқирон Амир Темурга Миср ҳукмдори Ал-Малик ан-Носир султон Фараж томонидан йўлланган тарихий нома ҳақида мақоласини ва бошқа материалларни ўқиш мумкин.

**Журналларни**
**Рустам БЕК**
**ўқиб чиқди.**

# ХИЗМАТДАГИ АЗАДОРЛАР

(Боши 1-бетда)

Бева қолган аёлнинг қурби майитни қабрга қўйиб келгунга қадар бўладиган чиқимларни кўтаришга ҳам етмас эди. Қабристондан қайтар чоғда домла-имомнинг "Худойи эртага" деган бақириғи янгради.

Кучанадиган қирқта бўлса ҳам, тугадиган азоб чекади деганларидек, азадор оила аъзолари яқинлари кўмагида, кўзларида ёш, юракларида ғам билан тун бўйи, эрта тонгдан бошланадиган маъракага ҳозирлик кўришди. Оқдарё туман Лойиш қўрғончасидаги маҳаллалардан бирига оқсоқоллик қилаётган кекса отахон Шодиқул бобо Назаровнинг айтишича, жанозада 50-60 одам ҳамдардликка келган бўлса, худойи куни улар сони икки юздан ошиб кетибди. Табиийки, азадорлар яна кун бўйи тик оёқда хизмат қилишган. Эртасига тинкаси қуриган аёл сигирини сотиб қизларига тарқатибди. Шу тахлит жўжабирдай жон бор бисотидан ҳам ажрабди. Олдинда эса уларни "йигирма", "қирқ", "йил" сингари қатор маъракалар кутарди.

Ўзимизни бежиз гумроҳ атамадим. Ахир таъзияхонада ўқиган, кўпни кўрган тақводорлар бор эди-ку! Нима учун улар бир мискин оиланинг танг аҳволини кўра-била туриб тўғри, инсофли, исломий хулосага келмадилар? Наҳотки, улар жўяли маслаҳатларни муштипар бир аёлнинг қарз эвазига ёзаётган дастурхонига алмаштирдилар? Маҳалла фаоллари-чи? Улар нима сабабдан азалий одатларимизнинг бу қадар бузилиб, бидъат-хурофот билан аралашиб кетганига бефарқ бўлиб қолишмоқда?

Тўғри, узоқ давом этган шўро мафкураси ислом қадриятларини оёқости қилди. Етмишинчи, саксонинчи йилларда марҳумлар хотираси учун ("ёзилган" десак бўлмас) тузалган столларга спиртли ичимликлар ҳам қўйилди. Бора-бора ҳатто жаноза ўқиш ҳам тақиқланди. Ота-онасини дафн қилишда қатнаша олмаган собиқ коммунистларнинг дарди ўзлари билан яшамоқда. Шукрлар бўлсинки, мустақиллик бизга, аввало, динимизни, қадриятларимизни қайтариб берди. Жуда кўп жабҳаларда эврилишлар маромида давом этмоқда. Минг афсус, таъзия билан боғлиқ маъракалар эски ҳаммом, эски тослигича қолмоқда. Бу ҳақда диний идоралар, вилоятлар бош имом-хатиблари жиддий ўйлаб кўришлари лозим бўлган пайт аллақачонлар келди.

Бошига мусибат тушган хонадонга, ўлик чиқарган азадорга қийин. Улар оғзига кучи етмайдиганларнинг, чаласавод муллаларнинг таънасини эшитишдан чўчишиб, нима дейилса шуни бажаришга тиришадилар. Демак, муқаддас китобларда айтилганидек, азага алоқадор тадбирларни ўтказиш бажарилишини қатъий назорат қилиш лозим, холос. Бу масалада бой хонадонга алоҳида, ўртаҳолу камбағалга бошқача имтиёз берилмаслиги керак.

2003 йил – Обод маҳалла йили деб эътироф этилди. Фикримча, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар фақат тўйларда эмас, балки аза билан боғлиқ йиғинларда ҳам ташаббусни ўз қўлларига олишлари лозим. Маҳалла-кўй фикрига қарши боришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Маҳалла-кўй қаттиқ назорат ўрнатса, урф-одатларимизга ёт маросимлар, шубҳасизки, барҳам топади. Таъзияхонада жонлиқлар сўйилиб, зиёфатхўрлик қилишдек уят иллатлар тўхтайди. Уч кунлик азадорлик йиллаб чўзилмайди. Тўпланган аёлларнинг юрак-бағрини эзиб, йиғлатувчи ривоятлар сўзловчи гўяндаю отинойиларнинг оёқлари тийилади. Турли чироқлар ёқиш билан боғлиқ хурофий ирим-сиримлар йўқолади. Бир сўз билан айтганда, ислом дини ёт ақидалардан покланади, ўзимизга қайтамиз. Ҳатто, рўза ойларида ифторлик қилиш азадор оилалар учун мажбуриятга айланиб қолмайди. Хуллас, марҳумлар руҳини шод этиш баҳонасида тирикларни чирқиратишдек бемаъни хатти-ҳаракатларнинг илдизи қирқилади. Алалхусус, савоб ниятида орттираётган гуноҳларимиз камаяди.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Х.ПАНЖИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Буюртма Г-471, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6